



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МОСКВА ВА БУТУН РУС ПАТРИАРХИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Шавкат Мирзиёев
29 сентябрь куни Москва ва
Бутун Рус Патриархи
Кириллни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари юқори мартабали меҳмонни қўллар экан, Рус православ церкви раҳбарининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги аънавий яқин ва дўстона алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим воқеа эканини чуқур мамнуният билан қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги олий ва юқори даражадаги фаол мулоқот барча йўналишлардаги амалий ҳамкорликка жадал суръат бағишлагани, икки томонлама алоқаларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани алоҳида таъкидланди.

Патриарх Кириллнинг ташрифи мамлакатларимизда миллатлараро ва конфессиялараро тотувлик, диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат, 16 конфессия вакиллари бир оиладек аҳил-иноқ яшамоқда. Уларнинг ўз маданияти, аънава ва урф-одатларини ривожлантириши учун барча шароитлар яратилган.

Мамлакатимизда 138 миллий маданий марказ фаолият юритмоқда, Тошкентда Дўстлик уйи ва боғи барпо этилган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилган.

Ёшлар ўртасида диний таълим ва маърифат ишларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Тошкент ислом университети ва институти, 9 мадраса, православ ва протестант семинариялари фаолият юритмоқда. Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Тошкент шаҳрида Ислам цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш мақсадида «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюция қабул қилиш ташаббусини илгари сургани қайд этилди.

Учрашувда экстремизм, терроризм ва радикализм каби глобал хавф-хатарларга қарши курашиш мақсадида конфессиялараро мулоқотни янада мустаҳкамлаш, жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, ёш авлодга таълим ва маънавий-ахлоқий тарбия бериш масалалари муҳокама қилинди.

Москва ва Бутун Рус Патриархи Кирилл миллатлараро тинчлик-тотувлик, турли дин вакиллари ўртасида дўстлик ва меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат ҳамда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга юксак баҳо берди.

Ўзбекистонда Рус православ церкви фаолиятига кўрсатилаётган эътибор ва қўмак, христиан динига эътиқод қилувчиларнинг тўлақонли маънавий ҳаёти йўлида яратилган шароитлардан гоёта хурсанд бўлганини таъкидлади.

Патриарх Кирилл Президентимиз Шавкат Мирзиёевга самимий қабул ҳамда Ўзбекистонга ташриф тадбирларга бой дастур асосида ташкил этилгани учун миннатдорлик билдирди.

Рус православ церкви Ўзбекистон — Россия муносабатларини мустаҳкамлашда бундан буён ҳам фаол иштирок этиш, маънавий қадриятларимизни бойитиш, халқларимизни янада яқинлаштиришга қўмаклашишга тайёр экани қайд этилди.

ЎЗА

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Қадрли ва муҳтарам устозлар! Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда устоз деган шарафли номни улуғлаб келаётган юртимиздаги барча инсонларни умум-халқ байрами — Ўқитувчи ва Мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугун ушбу қўтлуг айёми мамлакатимизда кенг нишонлар эканми, биринчи навбатда қадрдон мактабимиз, бизга ҳарф ўргатган, эзгуликдан сабоқ берган меҳрибон муаллимларимиз сиймоси кўз олдимизда намён бўлади. Биз учун ибрат намунаси, юксак инсоний фазилатлар тимсоли бўлган сизлар каби азиз ва муътабар зотлар шаънига энг гўзал сўзлар, эзгу тилаклари-мизни изхор этамиз. Сизларнинг барчангизга ҳеч қачон узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиламиз.

Буюк Алишер Навоий бобо-миз айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва хазинаси билан ҳам сизларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар бир мурғак болани ўз фарзандидек ардоқлаб, ёш авлод тарбияси учун кўз нури, қалб қўри, бутун борлигини бахш этадиган ўқитувчи ва мураббийлар том маънода фидойи касб эгаларидир.

Биз бугун замонавий билим ва касб-хунарлар, хорижий тилларни пухта эгаллаб, катта умид ва ишонч билан ҳаётга қадам қўяётган, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлган минг-минглаб фарзандларимиз камолдаги ўқитувчи ва мураббийларимизнинг беқиёс ҳиссаси борлигини яхши биламиз ва сизларнинг бу улуг

хизматингизни юксак қадрлай-миз.

Хурматли юртдошлар! Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўйган ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳаларда кенг қўламли ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Ана шу ислохотларнинг муваффақияти, мамлакатимизнинг дунёдаги ривожланган, замонавий давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши аввало илм-фан ва таълим-тарбия соҳасининг ривож билан, бу борада бизнинг дунё микёсида рақобатдош бўла олишимиз билан узвий боғлиқ, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Айни шу мақсадда ўтган бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг бевосита таълим-тарбия соҳасига дахлдор бўлган 74 та фармони, қарор ва фармойиши қабул қилинганини таъкидлаш ўринлидир.

Албатта, соҳа ривожига юксак эътибор натижаси бўлган бу ҳужжатларни ҳаётга самарали жорий қилиш, уларга бамисоли жон бахш этишда биз аввало сиз, азиз ўқитувчи ва мураббийларга, сизларнинг билим ва тажрибангиз, истеъдод ва маҳоратингизга суяна-миз.

Бугунги кунда биз замон талаби ва халқимизнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда, таълим тизимида улкан ислохотларни амалга оширишга киришдик. Жумладан, умумий ўрта таълим соҳасида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик

лицей ва касб-хунар коллежларини оптималлаштириш, 5 та янги олий таълим муассасаси ва филиаллар ташкил этиш, 16 та университет ва институтда 12 та йўналиш бўйича кечки ва сиртки бўлимлар очиш, мактаб-гача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, нодавлат таълим хизмати кўрсатиш, педагог кадрлар ва халқ таълими ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизimini такомиллаштириш бўйича татбиқ этилаётган, узокни кўзлаган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар, албатта, ҳаммадан кўра яхши тушунасиз.

Ана шу ишларимизнинг давоми сифатида шу кунларда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб, Мирзо Улуғбек номидаги ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати, «Астрономия ва аэроавиатика» боғи ташкил этилаётгани, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимизда таълим сифатини жаҳон стандартлари даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Шунингдек, Тошкент шаҳрида Америка Қўшма Штатларининг нуфузли Вебстер университетининг филиали очилиши ҳам илм-фан ва таълим соҳасида илғор хорижий тажриба ва инновацияларни жорий этиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Айни вақтда биз таълим-тарбия муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, муаллимлар, профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш, хориждаги етакчи таълим марказлари

билан илмий-педагогик ҳамкорликни кучайтириш, ўқув-тарбия жараёнларига замонавий таълим ва ахборот технологияларини, янги ўқув методикаларини жорий этиш бўйича ҳали олдимизда кўплаб долзарб вазифалар турганини яхши англаймиз ва уларнинг ечими устида доимий иш олиб борамиз.

Муҳтарам дўстлар! Бугунги кунда шиддат билан ўзгариб бораётган ҳаёт олдимизга қўяётган бир-биридан мурраккаб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш ҳақида ўйлар эканми, уларнинг ечими айнан таълим-тарбия билан, ёшларнинг дунёқарашини замонавий билим, юксак маънавият ва маърифат асосида шакллантириш билан боғлиқ эканига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Жумладан, бутун инсониятни ташвишга солаётган терроризм ва экстремизм каби бало-қазоларни бартараф этишда фақат уларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланмасдан, биринчи навбатда бу тадбирларни келтириб чиқараётган сабабларга қарши курашиш, ёшларни эзгу инсоний идеаллар руҳида камол топтириш энг асосий вазифага айланмоқда.

Айнан ана шундай ёндашув Ўзбекистон томонидан нуфузли халқаро саммитларда, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган 72-сессиясида алоҳида таъкидлангани сизларга яхши маълум, албатта.

Бу борада биз илгари сураётган «**Жаҳолат ва зўравонликка қарши маърифат билан курашамиз**» деган гоё ва ташаббус халқроқ майдонда

катта эътибор ва қизиқиш уйғотмоқда ҳамда қўллаб-қувватланмоқда.

Ишончим комил, халқимиз зиёлиларининг илғор вакиллари бўлган сиз, ҳурматли устоз ва мураббийлар мамлакатимизда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, жамиятимизда тинчлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш бўйича олиб бораётган ишларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ҳаётда ўзини оқлаган мактаб, оила ва маҳалла ҳамкорлигига асосланган ижтимоий тизим самарасини оширишда фаол иштирок этиб, барчага ўрнатилган намуна бўласизлар.

Сиз, азизларнинг ана шу эзгу мақсадларга эришиш, инсон ҳар томонлама эркин ва фаровон яшайдиган янги Ўзбекистон давлатини барпо этиш, жонажон Ватанимизни янада тараққий эттиришга қаратилган оғир ва машаққатли, шу билан бирга, гоёта шарафли меҳнатингизни муносиб қадрлаш учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этишга тайёرمىз.

Сизларни 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сират-саломатлик, бахт ва омад, ҳақдорларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман. Доимо соф-омон бўлинг, азиз устозлар!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни



ФИДОЙИ, ЖОНКУЯР, МЕҲРИБОН УСТОЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

Ёшларнинг теран маънавият, юксак интеллектуал салоҳият соҳиби бўлиб камолга етиши кўп жиҳатдан фидойи устозлар, касбига содиқ ўқитувчилар, жонкуяр мураббийларга боғлиқ. Мамлакатимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар куни кенг нишонланаётган шу кунларда айни жиҳатлар яна бир қарра ўзининг ёрқин ифодасини топмоқда.

Умумхалқ байрами арафасида пойтахтимизга юртимиздаги таълим муассасаларининг илғор ўқитувчилари, олимлар, маънавият тарғиботчилари, кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф этилди. Бўлиб ўтаётган учрашувлар, мулоқот ва анжуманлар жараёнида навқирон авлодга пухта билим бериш, уларни буюк аждодларимизга

муносиб инсонлар этиб тарбиялаш, миллий ҳаёт тарзимизга, маънавиятимизга зид ва зарарли бўлган гоёлар таъсиридан ишончли ҳимоялашда педагогларнинг бурчи ва масъулияти хусусида атрофича сўз юритилиб, галдаги вазифалар белгиланган бўлиб олинмоқда.

Тадбир иштирокчилари 29 сентябрь куни пойтахтимиздаги

Мустақиллик майдонида бўлиб, ҳурриятимиз, порлок истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойга гуллар қўйди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Устоз ва мураббийлар шахримиздаги маърифий масканлар, жумладан, Ўзбекистон тарихи давлат музейи билан танишди.

► Давоми 3-бетда.

2017 йил — Халқ билан мулоқот
ва инсон манфаатлари йили

БЎКА ТУМАНИДА САЙЁР УЧРАШУВ

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши ва Тошкент вилояти кенгаши
томонидан Бўка туманида аҳоли билан мулоқот
ва сайёр қабул ўтказилди.**

Президентимизнинг 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган видеоселектр йиғилишидаги «Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислохотларнинг ташаббускори ва асосий ижроқисси бўлиши керак» мавзусида сўзлаган маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси доирасида ташкил этилган тадбирда партиянинг вилоят ва туман кенгашлари ходимлари, туман ҳокимликлари масъуллари аҳоли билан мулоқот ўтказди.

Мурожаатлар асосан банкдан кредит олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, турар жой, коммунал хизмат, соғлиқни сақлаш ва таълим тизими, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, пенсия ва нафақа таъминоти, ичимлик суви, ички йўлларни таъмирлаш каби ўндан ортиқ масала хусусида бўлиб, аксарияти жойида ижобий ҳал этилди.

— Янги иморат қуриш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун ер участкаси ажратилиши бўйича қилар мурожаатим ижобий ҳал этилди деган бўлди, — дейди «Наврўз» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Тўлабой Ҳамроқулов. — Ушбу ҳарака-

А. МУСАЕВ,
ЎЗА мухбири.

ҚАЛБИМИЗ АРДОҒИДАСИЗ, АЗИЗ МУАЛЛИМЛАР!

Ўқитувчи ва мураббийлар кuni муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши, маҳаллий ташкилотлари томонидан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Устоз деганда, ҳар қайси инсон кўнглида чуқур ҳурмат-эҳтиром ва чексиз миннатдорлик туйғулари жўш уради. Бу ёруғ оламда онадек меҳрибон, отадек ғамхўр, ҳар биримиз учун азиз ва мўтабар бўлган улғузот — муаллим ва мураббийлардир.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши устозларни байрам билан муборакбод этиш мақсадида «Юрт ардоғидасиз, азиз устозлар!» мавзусида байрам тадбири ташкил этди. Унда узок йиллар давомида ёш авлодга илм ва ҳунар сирларини ўргатиб келаётган устоз-мураббийлар, санъаткорлар, жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Сўзга чиққанлар юртимизда ёшлар билим олиши, ҳунар эгаллаши учун қўлай шароит яратилганини эътироф этишди. Истиқлол йилларида ўқитувчи ва мураббийлик касби том маънода қадр топгани, ўтган йиллар давомида шаҳар, қишлоқларимизда замонавий талаблар асосида таълим масканлари бунёд этилгани, малакали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилган ишлар хусусида фикр алмашилди.

— Партиямиз Сайловолди дастурида таълим масаласига алоҳида эътибор қаратилган, — деди Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Ҳайдар Бобохонов. — Шунинг учун партия ташкилотларимиз, депутатлар ўқув муассасаларидаги шарт-шароитларни яхшилаш, ўқитувчиларнинг масъули-

ятини ошириш бўйича муайян ташаббусларни илгари сурмоқда. Ҳаммамизга маълум, мустақиллик йилларида таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди, минглаб янги таълим муассасалари барпо этилди.

Шунингдек, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури асосида ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими тубдан такомиллаштирилди. Истеъдодли, ўз касбига содиқ педагогларни қўллаб-қувватлашнинг янги механизми жорий этилди. Ҳар йили уларнинг катта гуруҳи мамлакатимизнинг юксак унвон ва мукофотлари билан тақдирланмоқда. Буларнинг барчаси устозлар, ўқитувчи ва мураббийларга халқимиз, давлатимизнинг ҳурмати чексиз эканини аниқлади.

— Таълим-тарбия соҳасини замон талаблари даражасига кўтариш, ўз мустақил фикри ва дунёқарашига эга ёш авлодни тарбиялаш биз, ўқитувчи ва мураббийларга боғлиқ, — деди Юнусобод туманидаги 70-ўрта таълим мактаби директори Барно Қодирова. — Юртимизда ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати ҳамиша эъзозланади, қадрланади. Биз бундай эътибор ва ғамхўрликдан жуда миннатдоримиз.

Бу йил «Ўзбекистон Мустақиллигига 25 йил» эсдалик нишони, 2006 йилда эса «Халқ таълими аълочилиги» нишонлари-



Фархат АЛИЕВ олган сурат.

га сазовор бўлдим. Фарзандларимизга таълим-тарбия берётганимдан, устоз эканимдан фخرланаман.

Мактабимизда ўқувчиларни бўш вақтини самарали ўтказиш учун дарслардан сўнг турли тўғарақларга жалб қилганмиз. Ўғил-қизларимиз туман, шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли мусобақалар, фан олимпиадаларида ўринларни эгаллаб келишмоқда. Уларнинг ютуғи — бизнинг ютуғимиздир.

— Юртимизда ҳар йили

Ўқитувчи ва мураббийлар кuni катта байрам сифатида нишонланиши, фидойи меҳнати билан ҳурмат қозongan устозларнинг Ватанимиз юксак мукофотлари билан тақдирланиши бизга катта масъулият юклайди, — деди Яшнобод туманидаги 206-мактаб бошланғич синф ўқитувчиси Дилором Бойматова. — Бу ёш авлод камоли йўлида изланишимиз учун куч беради. 15 йилдан бундан таълим соҳасида меҳнат қиламан. Ёшларга, умуман, таълим соҳасига қаратила-

ётган бугунги эътибордан қувонаман. Президентимизнинг қарор ва фармонлари асосида соҳада янги ислохотлар амалга ошириляпти. Биз бу жараёнда фаол қатнашиш учун бор кучимиз ва салоҳиятимизни сафарбар этишга тайёرمиз.

Тадбирда ўқитувчи ва мураббийларга эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар топширилди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП маҳаллий кенгашларида



ТАРИХИЙ НУТҚ АҲАМИЯТИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгаши Жўқорғи Кенгесдаги ЎзХДП фракцияси билан бирга БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз сўзлаган нутқнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш, бу масалаларда тарғиботни кучайтириш мақсадида давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатини Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси ўринбосари Нукусбой Ғаниев олиб борди.

— Президентимиз нутқи чинакам тарихий воқеа бўлди. Чунки унда юртимизда рўй бераётган барча ўзгариш ва ислохотлар, тинчлик, барқарорлик, бағрикенглик масалалари, яқин кўнчилилик алоқалари ва яна кўплаб мавзулар қамраб олинди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесдаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулистан Аннақилчева. — Айниқса, глобал муаммолар ечимини топиш бўйича аниқ тақлиф ва тавсияларнинг илгари сурилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Хусусан, бутуннинг энг долзарб экологик муаммоларидан бири — Орол ҳалокатига эътибор қаратилгани барча юртдошларимизни тўлқинлантириб юборди.

«Денгизнинг қуриши билан боғлиқ оқибатларни бартараф этиш халқаро миқёсдаги сайёҳаракатларни фаол бирлаштиришни тақозо этмоқда. Биз БМТ томонидан Орол фожиясидан жабр кўрган аҳолига

амалий ёрдам кўрсатиш бўйича шу йил қабул қилинган махсус дастур тўлиқ амалга оширилиши тарафдоримиз». Бу тақлиф айниқса, Орол денгизи минтақасида яшаётган аҳолининг кайфиятини кўтарди, уларни тушунлиқдан халос этди, деб бемалол айтиш мумкин.

Дарҳақиқат, Орол муаммоси фақат бир миллат ёки мамлакат ҳаётига алоқадор масала эмас. Оролнинг қуриши Ер юзидagi иқлимга салбий таъсир ўтказди, бундан инсоният зиён кўради. Бу фалокатнинг оқибатларини бартараф этиш учун халқаро миқёсда курашиш керак.

Давлатимиз раҳбари сессия иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифи билан мурожаат қилди. Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборатлигини таъкидлади. Ушбу тақлиф жаҳолатга қарши маърифат билан самарали курашишди, дунёда бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибатни кучайтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Тадбирда Президентимизнинг тарихий нутқи мазмун-моҳиятини электротат вакиллари, кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш бўйича тақлифлар айтилди, вазифалар белгилаб олинди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сайёр қабул:

КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЭРИШИЛЯПТИМИ?

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан партиямиз томонидан жойларда сайёр қабуллар ўтказилиб келинмоқда. Ана шундай тадбир Жиззах вилоятининг Зарбдор туманида ҳам бўлиб ўтди. Партия Марказий Кенгаши ходимлари, вилоят ҳамда туман Кенгашлари депутатлари, жамоатчилик вакиллари иштирокидаги қабулда электротат вакиллари уйлантириб келаётган масалалар ўртага ташланди ва шунинг ўзида уларни ҳал этиш чоралари белгиланди.

«Тинчлик» маҳалласида истикомат қилаётган фуқаро Нигора Жангирова Жиззах политехника институтини тамомлаганиги, ҳозир Зарбдор қишлоқ ҳўжалик касб-ҳунар коллежидида 0,25 ставкада ишлаётгани, олаётган маоши таълим кредитини тўлашга етмаётганини айтиб, иложи бўлса, шу масалаларда ёрдам сўраб мурожаат қилди. Масала ўрганиб чиқилди ва у яқинда фойдаланишга топшириладиган Зарбдор тўқимачилик комбинатида яхши ҳақ тўланадиган ишга жойлаштирилди.

Алишер Навоий маҳалласидан Гулсара Ҳамзаева «Истироҳат боғи» яқинидаги кўча бир неча йилдан бери қишда лой, ёзда чанг бўлиб, одамларнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётганини билдирди.

— Бу ҳақда ёрдам сўраб кўп жойларга бордик, — деди у. — Афсуски, йиллар ўтаётган бўлса-

да, мутасаддилар томонидан ҳеч бир кўмак кўрсатилмапти... Масала туман «йўл харитаси»га киритилмаган бўлди.

Анороҳол Солиеванинг беш йилдан бери тўшақда ётган онасини даволатиш ва унга ногиронлик аравачаси ажратиш бўйича қилган мурожаати тааллуқли туман ташкилотлари, маҳалла фуқаролар йиғини кўмағида ечим топди.

Ҳаёт борки, муаммо ҳам бўлади. Кимдир уй-жой масаласи, бошқа бировни эса ўзининг ёки яқинларининг саломатлиги билан боғлиқ муаммо ташвишга солиши мумкин. Сайёр қабулга келган фуқаролар коммунал соҳа, уй-жой билан боғлиқ муаммолар, тиббиёт, халқ таълимига алоқадор камчиликлар бўйича фикр-мулоҳазалар билдиришди. Ушбу мулоҳазалар, тақлифлар асосида мутасадди корхона, ташкилот, муассаса раҳбарларига зарур тавсиялар берилди. Бу борада ма-

ҳаллий Кенгаш депутатлари, фаоллар, етакчиларнинг масъулиятини оширишга эътибор қаратилди.

Тўғри, сайёр қабулда ҳамма муаммоларга бирдек ечим топиб бўлмайди. Лекин кимгадир оз бўлса-да моддий, кимгадир маънавий кўмак берилди, бошқа бировга муаммоси юзасидан масала, йўл-йўриқ кўрсатилди. Муҳими, қабулда иштирок этган фуқароларнинг ҳеч бири йўл босиб, вақт сарфлаб, бу ерга келганларидан норози бўлишмади.

Шу ўринда савол туғилади: Сайёр қабулни ўтказишдан қандай мақсад кўзланган эди ва бунга қай даражада эришилди?

Тадбирни ўтказиш орқали жойларда электротатимиз вакиллари, умуман, фуқароларни уйлантириб келаётган катта-кичик муаммолардан воқиф бўлиш, уларни босқичма-босқич ҳал этиш, одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашлари учун имконият яратишдек эзгу ишга ҳисса қўиш кўзда тутилган эди. Қабул асносида кўзланган ана шу мақсадга, қайсидир маънода эришилди, деб айтсак, ўйлайманки, янглишмаган бўламиз.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Синар ШОТЛУГАНОВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

«ЭЛЕКТРОН ПАРЛАМЕНТ» НИМА?

Харакатлар стратегиясига мувофиқ, «электрон парламент» тизими шакллантирилмоқда. Бу парламент ва сайловчилар ўртасида самарали тезкор мулоқот йўлга қўйлади, вакиллик органлари билан ҳамкорлик мустаҳкамланади, ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назорати ўрнатилиши учун қўшимча шароит яратилади, дегани.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан экспертлар иштирокида ўтказилган йиғилишда шу ҳақда сўз юритилди.

Мутахассислар қайд этганидек, «электрон парламент» тизимининг шаклланиши демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида Олий Мажлис ва сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Анжуман иштирокчилари парламентнинг аxbорот тизимлари, ундан қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил жараёнида самарали фойдаланиш масалаларини атрофлича таҳлил этишди. Олий Мажлис палаталари расмий сайтларининг имкониятлари батафсил ўрганилди. Шунингдек, «электрон парламент» тизимини жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури лойиҳаси ҳақида маълумотлар берилди.

— Мазкур лойиҳада норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, аxbорот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини яхшилаш, замонавий аxbорот тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш чоралари қамраб олинган, — дейди Аxbорот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси, ЎзХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров. — Айтиш керакки, ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши парламент фаолиятини янада равшанлаштиради.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ:

ихтироларни амалиётга жорий қилишда муаммолар бор

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ўтказилган давра суҳбатида соғлиқни сақлаш тизимида фан ва таълим технологияларидан фойдаланиш ҳолати ҳамда келгусидаги вазифалар муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, фан ва таълим технологияларини қўллаш, илмий фаолиятни янада юксалтириш, кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш йўналишида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Мисол учун, олий ўқув юртилари ва илмий текшириш муассасаларида давлат илмий-техника дастурлари доирасида жорий йилда жами 196 та илмий грант ишлари тақдирланган. Улар натижасида юрак, қон томир касалликлари, атопик дерматитнинг оғирлик даражасини аниқлаш, болаларда узок кечувчи юқумли касалликлар ва бошқа хасталиклар ҳавфини аниқлашга қаратилган 7 та янги тахис усуллари амалиётга татбиқ қилинган. Шунингдек, онкология, кардиология, эндокринология диспансерлари ва стационарлари учун 6 турдаги информация аxbорот тизимлари яратилди ҳамда амалиётга жорий этилди.

Тадбирда аҳолини уйлантираётган, касалликларни келтириб чиқараётган муаммолар таҳлил қилинди. Чунончи, маҳаллий тиббиёт саноти ривож топмагани, даволаш учун белгиланган тиббий асбоб-ускуналарнинг етишмаслиги, қишлоқ оилавий поликлиникаларида шифокор-мутахассисларга эҳтиёж катталиги айтиб ўтилди. Соҳада илмий изланишлар натижасида юзга яқин ихтиролар учун патентлар олинаётган бўлса-да, уларни амалиётга татбиқ этишда муаммолар борлиги танқид қилинди.

Депутатлар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг фан ва таълим технологияларидан фойдаланишда ўтган даврда имкониятлардан тўлақонли фойдаланилмаганини қайд этишди. Айни чоғда ушбу йўналишда ривожланган хорижий давлатлар тажрибасини изчил ўрганиб бориш, таҳлил қилиш масалаларига алоҳида урғу берилди. Қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқишини тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили муносабати билан партиямиз томонидан жойларда сайёр қабуллар ўтказилмоқда.

